

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

КАРИМЖОНОВА МУНАВВАР ИБРАГИМОВНА

**БОЖХОНА ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИ МЕХНАТИ ВА УНГА ҲАҚ
ТЎЛАШ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.08 –Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2020 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
in economic sciences**

Каримжонова Мунаввар Ибрагимовна

Божхона хизмати ходимлари меҳнати ва унга ҳақ тўлаш ҳисобини
такомиллаштириш..... 3

Каримжонова Мунаввар Ибрагимовна

Совершенствование учета труда и оплаты сотрудников таможенной
службы..... 25

Каримжонова Мунаввар Ибрагимовна

Improvement of accounting labor and payment of employees of customs
service..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

КАРИМЖОНОВА МУНАВВАР ИБРАГИМОВНА

БОЖХОНА ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИ МЕҲНАТИ ВА УНГА ҲАҚ
ТЎЛАШ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.08 –Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2020 йил

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссияси томонидан В2020.2.PhD/Iqt1376 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tfi.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Туйчиев Алишер Жураевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Пардаев Мамаюнус Қаршибаевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ризаев Нурбек Кадилович
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60А-уй. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: ilmiykengash@tfi.uz.

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60А-уй. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: info@tfi.uz.

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «__» _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси.)

Т.З.Тешабаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н.Каландарова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт бўйича фалсафа доктори, (PhD)

И.Н.Қўзиёв

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон ҳамжамиятида бугунги кунда инсонлар ижтимоий яшаш сифатини белгилашда аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад энг муҳим омил ҳисобланади. Ривожланган мамлакатларда меҳнатга ҳақ тўлашнинг минимал нормаларни тўғри белгилаш энг долзарб масала бўлиб келмоқда. «Picodi» – халқаро е-тижорат платформасининг маълумотларга кўра, «Жаҳонда 2020 йил 1-чорагида ойлик иш ҳақининг энг кам миқдори ривожланган мамлакатларда, жумладан: Люксембургда – 1989 АҚШ доллар ва Австралияда – 1923 АҚШ долларини ташкил қилган. МДҲ мамлакатларида эса бу кўрсаткич деярли ўн баробар кам бўлиб, Россияда – 166, Озарбайжонда–140, Қозоғистонда 98 ҳамда Ўзбекистонда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори – 66,5 АҚШ долларни ташкил этмоқда»¹. Халқаро амалиётда божхона хизмати ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг турли даражада белгиланиши, ҳисобда ва ҳисоботда акс эттириши, ички назоратини юритиши бир қатор иқтисодий-ижтимоий ҳуқуқий ҳужжатлар асосида олиб борилади. Божхона хизмати ходимларининг иш вақти, вазифаларнинг турли даражадалиги, ҳамда, ноанъанавий хусусиятларидан келиб чиқиб, меҳнатга ҳақ тўлашнинг ҳисобини халқаро стандартлар ва хорижий тажриба асосида юритиш заруратини келтириб чиқармоқда, ҳамда глобаллашув шароитида мазкур муаммонинг долзарблигини белгилаб бермоқда.

Жаҳон божхона тизимида божхона хизмати ходимлари меҳнатини тўғри ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари, иш ҳақларини белгилаш ва рағбатлантириш, ички назоратни ташкил этишга қаратилган кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу тадқиқотларда божхона хизмати ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ҳисоби маълумотларини тўғри ва аниқ шакллантириш асосида маблағларни иқтисод қилиш, кўшимча имкониятларни шакллантириш масалалари атрофлича ўрганилган. Бироқ, божхона тизимида божхона хизмати ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш учун давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлардан самарали фойдаланиш ва харажатларни оптималлаштириш, ходимлар хизмат фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг ривожланган давлатлар тажрибалари асосида янги мезонларини яратиш масалалари алоҳида илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Шу боис, божхона хизмати ходимлари меҳнати ва унга ҳақ тўлаш ҳисоби ҳамда ички аудитини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш борасида илмий тадқиқотлар олиб бориш заруриятини оширмоқда.

Ўзбекистонда аҳоли реал даромадларини ошириш, улар меҳнатига муносиб ҳақ тўлаш тизимини шакллантириш, солиқ ва бошқа тўловларни энг кам иш ҳақи миқдори билан боғлашга барҳам бериш бугунги куннинг долзарб масаласи бўлиб қолмоқда. Аҳоли даромадлари таркибида иш ҳақи асосий улушни эгаллагани боис, бюджет ташкилотларида ҳам унинг ўсишини таъминлаш алоҳида аҳамиятга эга. Бу эса, божхона хизмати

¹ Picodi – халқаро е-тижорат платфoрмаси <https://www.picodi.com/kz/sekreti-ekonomii>.

ходимлари хизмат фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда меҳнатга ҳақ тўлаш ҳисобини қонун ҳужжатлари талабларига мос ҳолда шакллантириш, ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш учун давлат бюджетидан ажратилаётган молиявий маблағлардан самарали ва мақсадли фойдаланишда ички назоратни доимий такомиллаштириш заруриятини тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 12 апрелдаги ПФ-5414-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 24 ноябрдаги ПФ-5582-сон «Божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 5 июндаги ПФ-6005-сон «Божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 12 апрелдаги ПҚ-3665-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида», 2018 йил 2 ноябрдаги ПҚ-3995-сон «Ўзбекистон Республикаси божхона органлари кадрларини тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва божхона тизими соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бюджет ҳисоби, иш ҳақи харажатлари, жумладан, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари ҳисоби ва ички аудитининг ташкилий ҳуқуқий асослари, унинг вужудга келиши ҳамда ривожланишининг умумназарий жиҳатлари ва методологик асослари Рован Джонс, Маурис Пендлебей, Стефен Ж.Гаузер, Тжерк Буддинг, Гиусеппе Гросси, Давид Р.Хансонлар каби хорижлик олимлар томонидан ўрганилган ². Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги олимлари А.С.Мухина, В.В.Башкатов, В.Ю. Покусаев, Е.В.Анфёрова, В.А.Грекова, Л.В.Гусароваларнинг³ илмий ишларида тадқиқ этилган.

² Rowan Jones and Maurice Pendlebury. Public sector accounting. Pearson Education Limited.2010. 162 p. <http://www.pearsoned.co.uk/>, Stephen J. Gauthier Governmental Accounting, Auditing, and Financial Reporting (GAAFR) (e-book). 2012. 902 p., Tjerk Budding, Giuseppe Grossi, Torbjörn Tagesson. Public sector accounting. Routledge – 2015. 178 p., David R. Hancox. Government Performance Audit in Action - 4th Edition. CIA, CGFM. 2014. 160 p.

³ Мухина А.С. Становление и развитие внутреннего аудита//Образование.Наука.Научные кадры. 2013 №4. с. 151-156., Башкатов В.В., Покусаев В.Ю. Особенности бухгалтерского учета в бюджетных учреждениях. //Современная наука: актуальные проблемы и пути их решения . Выпуск № 13 / 2014 76-83 с., Анфёрова Е.В. Грекова В.А. Внедрение внутреннего аудита в бюджетных организациях//Nauka-rastudent.ru – 2017. №5(041), Гусарова Л.В. Организация внутреннего аудита в некоммерческих организациях.// Бухгалтерский учет в бюджетных и некоммерческих организациях. М.:2012. 32-37 с.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимлари С.У.Меҳмонов, А.Ж.Туйчиев, А.К.Ибрагимов, А.А.Каримов, Р.Д.Дусмуратов, М.Останақулов, Ш.Ў.Азизовлар илмий тадқиқотларида бюджет ташкилотларида ва хўжалик юритувчи субъектларда ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва ҳисобини юритиш, молиявий ҳисобот аудити, божхона аудити, ички аудит, уни ташкил қилишни такомиллаштириш жиҳатларига эътибор қаратишган⁴.

Иқтисодчи олим ва мутахассисларнинг илмий ишларида мавзуга оид умумий қарашлар бўлсада, бироқ божхона хизмати ходимлари меҳнатини ҳисобга олиш ва уларга ҳақ тўлаш билан боғлиқ жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, уларга ҳақ тўлаш харажатларини ички назоратини ташкил этиш ва уни ўтказишнинг назарий-амалий жиҳатлари, услубиётини ривожлантиришга оид илмий-амалий муаммолар яхлит тизим сифатида етарлича тадқиқ қилинмаган. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси божхона тизимида меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларини ҳисобга олиш ва уларнинг ички аудитини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш заруратини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент молия институтининг «Рақамли иқтисодиёт шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади божхона хизмати ходимлари меҳнати ва унга ҳақ тўлаш ҳисобини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

божхона хизмати ходимлари меҳнати ва унга ҳақ тўлашнинг мазмуни ва моҳияти, зарурияти ҳамда ўзига хос хусусиятларини очиб бериш;

божхона хизмати ходимлари меҳнати ва унга ҳақ тўлаш ҳисобининг норматив-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган тавсияларни шакллантириш;

божхона хизмати ходимлари меҳнати ва унга ҳақ тўлашнинг амалдаги ҳолатини тизимли таҳлил қилиш ҳамда уларни счётларда ва ҳужжатларда акс эттириш тартибини такомиллаштириш юзасидан амалий таклифларни ишлаб чиқиш;

божхона хизмати ходимлари меҳнати ва унга ҳақ тўлаш ҳамда унга тенглаштирилган тўловлар учун харажатларни таснифлаш, уларга таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш;

божхона хизмати ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ҳисоби ва ички назоратини ташкил этиш ҳамда ўтказиш тартибини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар бериш.

⁴Меҳмонов С.У. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш: и.ф.д.дисс.автореферат. -Т., 2018.-76 б. Туйчиев.А.Ж. ва бошқалар. Ички аудит/ Дарслик. -Т.: «Iqtisod-moliya», 2019. – 365 б., Ибрагимов А.К. ва бошқ. Бюджет назорати ва аудит. Ўқув қўлланма.Infocom.uz.МЧЖ нашрети .-Т.: 2009. 192 б., Каримов А.А. ва бошқ. Бухгалтерия ҳисоби.-Т.: «Шарқ».2004.; Дўстмуратов Р.Д.Бухгалтерия ҳисоби назарияси.-Т.: «Fan va Texnologiya» 2013, 476 бет, Останақулов М. Давлат сектори ва бухгалтерия ҳисоби.-Т.: «Иқтисод-молия», 2010.132-бет, Азизов Ш.Ў. Божхона аудитини ташкил этиш ва ўтказиш:Назария ва амалиёт. Монография.Тошкент . «Iqtisod-moliya» 2018. 184 б.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг Божхона институти, Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ва Миллий кинология маркази фаолиятидаги хизмат қилаётган ходимлар меҳнати ва унга ҳақ тўлаш ҳисоби олинган.

Тадқиқотнинг предмети божхона хизмати ходимлари меҳнати ва унга ҳақ тўлаш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда назарий ва амалий ўрганиш, тизимли ёндашув, гуруҳлаш, таққослама таҳлил, статистик таҳлил, омилли таҳлил, SWOT-таҳлил ва иқтисодий таҳлилнинг бошқа усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

божхона хизмати ходимлари меҳнати ва унга ҳақ тўлаш ҳисобини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида: божхона хизмати ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлашда лавозим маошларини ҳужжатлаштириш ва уларни ҳисобот шаклларида акс эттирилиши давлат бюджети, махсус, ривожлантириш ҳамда ягона жамғармалардан молиялаштириш манбаларига мувофиқлаштирилган;

ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари таркибидаги илмий, илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи илмий даражага эга ходимларига илмий-педагогик ва меҳнат фаолиятига қўшган аниқ ҳиссасини ҳисобга олган ҳолда қўшимча ҳақ тўлаш тартибини белгилаш таклиф этилган;

божхона институти ўқув жараёнига жалб қилинадиган илмий-педагогик кадрлар ва тажрибали амалиётчи мутахассисларни божхона хизмати фаолияти хусусиятидан келиб чиқиб, меҳнатга ҳақ тўлашнинг соатбай шаклида кўп йиллик меҳнат стажи ва амалий тажрибаларини ҳисобга олиш таклиф этилган;

мукофот пулларини белгилашда хизмат фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг рейтинг натижалари асосида аниқланган коэффицентлар бўйича берилган тақдимномалар асосида ҳисоблаш ва уни тўлаш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

божхона хизмати ходимлари меҳнатини ҳисобга олиш ва уларга ҳақ тўлашда иш ҳақи тушунчаси ва таркибини очиқ беришга қаратилган муаллифлик ёндашуви берилган;

божхона хизмати ходимлари меҳнати ва унга ҳақ тўлаш ҳисобида қўлланиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таснифланган, тизимлаштирилган, хизматда фойдаланиш учун ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий қилинган;

меҳнатга ҳақ тўлашнинг бухгалтерия ҳужжатларида акс эттириш тартибини такомиллаштириш бўйича иш вақтини тўғри ҳисобга олишда қўлланиладиган «табел»нинг янги намунавий шакли тавсия этилган;

хорижий тажриба асосида божхона хизмати ходимлари хизмат фаолияти самарадорлигини оширишда мотивациянинг роли ҳамда уларга қўшимча ва устама ҳақлар белгиланишида баҳолаш мезонларини қўллаш тартиби ишлаб чиқилган;

Божхона хизмати ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларини оптималлаштириш ва ички назоратни ташкил этишнинг SWOT-таҳлил асосида кучли ва заиф жиҳатлари аниқланган ва улар фаолиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари асосланган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, амалга оширилган усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, фойдаланилган адабиётлар ва интернет маълумотларининг расмийлиги, шу жумладан, Давлат божхона кўмитаси расмий ҳисобот маълумотларидан олинганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар божхона тизимида божхона хизмати ходимлари меҳнати ва унга ҳақ тўлаш ҳисобини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган тавсиялар божхона хизмати ходимлари меҳнати ва унга ҳақ тўлаш ҳисоби ҳамда ички назоратини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш, республика бюджети ва махсус жамғарма маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, шунингдек божхона органларида меҳнатга ҳақ тўлашга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Божхона хизмати ходимлари меҳнати ва унга ҳақ тўлаш ҳисобини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

божхона хизмати ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлашда лавозим маошларини ҳужжатлаштириш ва уларни ҳисобот шаклларида акс эттирилиши давлат бюджети, махсус, ривожлантириш ҳамда ягона жамғармалардан молиялаштириш манбаларига мувофиқлаштириш бўйича таклифи Давлат божхона кўмитасининг 11-сон буйруғи билан тасдиқланган «Божхона институтининг коллегиял органи ишини ташкил этиш бўйича тартиб»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Давлат божхона кўмитасининг 2020 йил 25 февралдаги 04-05/3-01553-сон маълумотномаси). Натижада божхона хизмати ходимларига кўшимча ҳақларни тўғри белгилаш ва тўлаш бўйича коллегиял орган ишини ташкил этишда фойдаланилган, бухгалтерия ҳисобида меҳнатга ҳақ тўлашнинг молиявий маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги таъминланган ва илмий салоҳият даражаси 6 фоиз ошишига эришилган;

ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари таркибидаги илмий, илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи илмий даражага эга ходимларга илмий-педагогик ва меҳнат фаолиятига кўшган аниқ ҳиссасини ҳисобга олган ҳолда кўшимча ҳақ тўлаш тартибини белгилаш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг 1030-сонли «Илм-фан ва таълим соҳасидаги давлат ташкилотларида илмий, илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи илмий даражага эга ходимларга кўшимча ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида»ги қарорни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2020 йил 10 мартдаги 05-24/1-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши

натижасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган сифатида Давлат божхона қўмитаси таркибий тузилмаларидаги илмий даражага эга ходимларга ҳам қўшимча ҳақ тўлаш имкони таъминланган;

божхона институти ўқув жараёнига жалб қилинадиган илмий-педагогик кадрлар ва тажрибали амалиётчи мутахассисларни божхона хизмати фаолияти хусусиятидан келиб чиқиб, меҳнатга ҳақ тўлашнинг соатбай шаклида кўп йиллик меҳнат стажи ва амалий тажрибаларини ҳисобга олиш бўйича таклифи Давлат божхона қўмитасининг 96-сон буйруғи асосида Божхона институти фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида, ўқув жараёнига жалб қилинган тажрибали амалиётчи мутахассислар ва ходимлар меҳнатига соатбай ҳақ тўлаш жараёнида фойдаланилган (Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 28 декабрдаги 05-05/13-11102-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши натижасида ўқув жараёнига жалб қилинган божхона органларида хизмат олиб бораётган тажрибали амалиётчи мутахассис-экспертларга бухгалтерия ҳисобида тўғри ва аниқ соатбай ҳақ тўлаш тартиби такомиллаштирилган, тизим учун профессионал кадрлар тайёрлашга эришилган, унинг самарали механизмлари яратилган;

мукофот пулларини белгилашда хизмат фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг рейтинг натижалари асосида аниқланган коэффицентлар бўйича берилган тақдимномалар асосида ҳисоблаш ва уни тўлаш бўйича таклифи Давлат божхона қўмитаси Божхона институти томонидан 49-сон буйруғи асосида ходимларга чорак ва йил якунлари бўйича раҳбарият томонидан берилган тақдимномалар асосида мукофот пулларини белгилаш ва тўлаш жараёнида фойдаланилган (Давлат божхона қўмитаси Божхона институтининг 2020 йил 9 мартдаги 01-17/22-0538-сон маълумотномаси). Таклифларнинг жорий этилиши натижасида мукофот пулларини инсон омили иштирокисиз автоматлаштирилган тарзда аниқланган коэффицентлар асосида белгилаш амалга оширилган, маълумотлар олишда вақт тежалган ва тўлиқ шаффофлик таъминланган ҳамда Республика бюджети маблағлари 2,4 фоизга ва махсус жамғарма маблағлари 3,7 фоизга тежалган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий нашрларда 4 та, нуфузли хорижий журналларда 3 та илмий мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертация ҳажми 141-бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Божхона хизмати ходимлари меҳнати ва унга ҳақ тўлаш ҳисобининг назарий ва ҳуқуқий асослари**» деб номланган биринчи бобида меҳнат ва иш ҳақи оид тадқиқот олиб борган олимларимиз илмий ғоялари адабиётлар таҳлили орқали ёритилган. Божхона хизмати ходимлари меҳнати ва унга ҳақ тўлаш ҳисобининг ўзига хос алоҳида хусусиятлари очиқ берилган ва бошқа бюджет ташкилотларидан фарқли жиҳатлари таққосланган. Пул таъминоти тушунчаси ва унинг таркиби бўйича илмий тақлифлар киритилган. Божхона органлари ходимлари меҳнатини ҳисобга олиш ва уларга ҳақ тўлашда иш ҳақи тушунчасига муаллифлик ёндашуви келтирилган. Шунингдек, ходимлар меҳнати ва унга ҳақ тўлаш ҳисобини юритиш борасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимлаштирилган.

Меҳнат ҳақи ҳозирги даврда барча мамлакатлар иқтисодиётида муҳим ўрин тутди. Иқтисодчи олимлар иш ҳақининг мазмунига катта эътибор қаратганлар ва улар томонидан турли ёндашувлар берилган (1-жадвал).

1-жадвал

Меҳнат ва иш ҳақи тушунчасига иқтисодчи олимларнинг тарифлари ва ёндашувлари⁵

Т/р	Муаллифлар	Мавзуга оид адабиёт муаллифларининг талқини
1.	Д.Рикардо, Т.Мальтус	«Яшаш учун восита минимуми» концепциясида иш ҳақини яшаш учун зарур воситаларнинг физиологик минимуми билан бир хил деб ҳисоблайди
2.	Н.А.Беляева	Иш ҳақи – бу жамоа ишининг натижаларига боғлиқ бўлган ва ишчиларнинг меҳнат миқдори сифатига қараб тақсимланадиган даромад улушини ифодаловчи истъёмол учун ажратилган маблағларнинг асосий қисми
3.	Ш.Ш.Шодмонов, У.В.Ғафуров	Иш ҳақи – ишчи ва хизматчилар меҳнатининг миқдори, сифати ва унумдорлигига қараб, миллий маҳсулотдан оладиган улушининг пулдаги ифодасидир
4.	А.А.Каримов, Ж.Э.Курбанбаев, С.А.Жуманазаров	Меҳнат ҳақи – жамият қўламида миллий даромаднинг ишчилар ва хизматчилар ўртасида улар меҳнатининг миқдори ва сифатига мувофиқ тақсимланадиган ҳамда шахсий истъёмол мақсадлари учун фойдаланадиган қисмидир
5.	М.И.Каримжонова ⁶	Божхона органлари ходимларида иш ҳақи – бу лавозим маоши, унвон маоши, компенсация ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган барча устама ва қўшимча тўловлардан иборат бўлган пул таъминотидир.

⁵Д.Рикардо. «Сиёсий иқтисоднинг ва солиқ солишнинг бошланиши» асари.1817 йил.;Т.Р.Мальтус. «Аҳоли нуфузи қонуни тўғрисидаги тажриба», асари. 1715 йил. «Сиёсий иқтисоднинг бошланиши», асари.1815 йил Беляева Н.А. Методы формирования затрат на производство. // Бухгалтерия в вопросах и ответах. - 2011. 3. - с 14-17. Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. Иқтисодиёт назарияси: // Дарслик;Ўзбекистон . А.А.Каримов, Ж.Э.Курбанбаев, С.А.Жуманазаров. Молиявий ҳисоб ва ҳисобот. // Ўқув қўлланма.;-Т.: «Иқтисод-Молия», 2018. -496 б.

⁶ М.И.Каримжонова. Меҳнатга ҳақ тўлаш ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш (божхона органлари мисолида)//Монография.;-Т.: «Академия», 2020., -47 б.

Божхона органлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ташкил этилади ва тугатилади. Божхона органларининг ташкилий-штат тузилмаси ва чекланган штатлари сони, божхона постларининг тоифалари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Божхона тизимида ходимлар меҳнатини ҳисобга олиш ва уларга ҳақ тўлаш бошқа бюджет ташкилотларидан қуйидаги ўзига хос алоҳида хусусиятлари билан фарқ қилади (1-расм).



1-расм. Божхона тизимида ходимлар меҳнати ва унга ҳақ тўлашнинг ўзига хос хусусиятлари⁷

Божхона органлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар таркибига кириб, ташкилий тузилмаси ходимларнинг қуйидаги таркибини ўз ичига олади⁸.

офицерлар таркиби – Божхона институти битирувчилари ва олий маълумотга эга Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан, *сержантлар таркиби* – ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий маълумотга эга Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан жамланади. Ходимларга қуйидаги махсус унвонлар белгиланган: *сержантлар таркиби* – божхона хизмати кичик сержанти, божхона хизмати сержанти, божхона хизмати катта сержанти.

Офицерлар таркиби: *кичик офицерлар таркиби* – божхона хизмати лейтенанти, божхона хизмати катта лейтенанти, божхона хизмати капитани, *катта офицерлар таркиби* – божхона хизмати майори, божхона хизмати подполковниги, божхона хизмати полковниги, *генераллар таркиби* – божхона хизмати генерал-майори, божхона хизмати генерал-лейтенанти, божхона хизмати генерал-полковниги. Божхона хизмати ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлашнинг молиялаштириш манбалари бўйича ҳам ўзига хос хусусиятлари эга (2-расм).



2-расм. Божхона тизимида ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашда молиялаштириш манбалари⁹

Божхона хизмати ходимларининг ижтимоий қўллаб қувватланиши ва муносиб маошларнинг белгиланиши коррупцияга қарши самарали восита

⁷ Божхона тизимига оид меъёрий ҳужжатлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

⁸ Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонуни. ЎРҚ-502-сон. 2018 йил 12 октябрь. <https://lex.uz/docs/4000640>.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва Қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида муаллиф ишланмаси (диссертация ишининг 3-иловада келтирилган).

ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелда «Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органларининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 3665-сон Қарорига асосан божхона постларининг иш ҳажмига ва хизмат шaroитларни ҳисобга олиб тоифаларга ажратилди ва ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашда лавозим маошига нисбатан қўшимча ва устама ҳақлар белгиланди (3-расм).



3-расм. Божхона постлари тоифалари бўйича устама ва қўшимча иш ҳақи миқдорлари¹⁰

Божхона хизмати ходимлари меҳнатини тўғри ва аниқ ҳисобга олиш ва уларга ҳақ тўлашда республика бюджети ва махсус жамғармалари ҳисобидан ажратилаётган маблағлардан самарали ва мақсадли фойдаланиш учун пул таъминоти тушунчаси таркибини очиш мақсадга мувофиқ. Бу борада қуйидаги таклиф ва тавсиялар келтирилган (2-жадвал).

2-жадвал

Божхона органларида ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш юзасидан норматив ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар¹¹

№	Амалдаги матнда	Тавсия этилади	Қутилаётган натижа
1.	Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 10 октябрида қабул қилинган янги таҳрирдаги № ЎРҚ-502-сон «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 27-моддаси. Божхона органлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш. «Божхона органлари ходимларига пул таъминотининг турлари ва миқдори Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади. Божхона органлари ходимлари пул ва озиқ-овқат таъминоти билан таъминланади».	Божхона органлари ходимлари иш ҳақи (лавозим маоши, унвон маоши, хизмат йиллари учун устама ҳақ, озиқ-овқат ўрнига бериладиган компенсация пули) ва қонун ҳужжатларида белгиланган барча устама ва қўшимча тўловлардан иборат бўлган пул таъминоти билан таъминланади.	Пул таъминотининг таркиби тўлиқ бир хил мазмунни англатган тақдирдагина меҳнатга ҳақ тўлашнинг ҳуқуқий асоси амалиётда тўғри олиб боришга имкон бўлади. Натижада бюджет маблағларидан тўғри ва мақсадли фойдаланиш таъминланади.
2.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органларининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-3665-сон қарорининг 116-банди «Эгаллаб турган лавозими бўйича оклади ва махсус унвони оклади божхона органлари ходимларининг ойлик пул таъминотини окладини ташкил этади».	Эгаллаб турган лавозим маоши, унвон маоши, хизмат йиллари учун устама ҳақ, озиқ-овқат ўрнига бериладиган компенсация пули ходимларнинг ойлик пул таъминотини ташкил этади.	Божхона хизмати ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг шаффофлиги таъминланади ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот ҳужжатларида англашилмовчиликларни олди олинишига эришилади.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча

чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5582-сон Фармони. 2018 йил 24 ноябрь. <https://lex.uz/docs/4076899>.

¹¹ Тадиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Хулоса сифатида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, юқорида келтирилган маълумотлар асосида божхона хизмати ходимлари меҳнатини ҳисобга олиш ва уларга ҳақ тўлаш билан боғлиқ жараёнлар мураккаб ва ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, бошқа бюджет ташкилотларидан тубдан фарқланади (3-жадвал).

3-жадвал

Божхона хизмати билан бошқа бюджет ташкилотларида меҳнатга ҳақ тўлаш тартибидаги ўзига хос фарқли жиҳатлари ¹²


Т/р	Божхона органлари	Бюджет ташкилотлари										
1.	Таркибий тузилиши	Таркибий тузилиши										
	Офицерлар ва сержантлар, ўзгарувчан (божхона курсантлари ва тингловчилари) ҳамда мутахассислар, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчилардан иборат шахсий таркиб.	Меҳнатга лаёқатли хизматчи ва ишчилар.										
2.	Пул таъминоти	Иш ҳақи										
	Иш ҳақи (лавозим маоши, унвон маоши, хизмат йиллари учун устама ҳақ, озик-овқат ўрнига бериладиган компенсация пули) ва қонун ҳужжатларида белгиланган барча қўшимча ва устама тўловлардан иборат бўлган пул таъминоти.	Иш ҳақи (тариф разряди бўйича лавозим маоши) ҳамда қўшимча ва устама ҳақлар.										
	Штатлар жадвали бўйича лавозим маошлари, унвон маошлари - тариф разрядлари, тариф коэффициентлар махфий.	Штатлар жадвали бўйича лавозим маошлари - тариф разрядлари, тариф коэффициентлар очик (ЯТС).										
3.	Молиялаштириш манбалари											
	Республика бюджети, махсус жамғарма, ривожлантириш жамғарма, ягона жамғарма маблағлари ва қонунда назарда тутилган бошқа маблағлар ҳисобидан.	Республика бюджети ва қонунда назарда тутилган бошқа маблағлар ҳисобидан.										
4.	Ҳужжатларни турлари											
	Лавозимга тайинлаш бўйича шахсий таркиб буйруғи. Иш вақти офицер ва сержантлар учун нормалаштирилган, зарур бўлган ҳолларда, ходимлар кучайтирилган ёки суткалик режимда хизматни ўташга жалб этиш ДБК раисининг буйруғи билан амалга оширилади.	Меҳнат шартномасига асосан ишга қабул қилиш бўйича буйруқ. Иш вақти ҳафтасига қирқ соат.										
	Табеллар тўлдириш хизмат фаолияти хусусиятидан келиб чиқиб, офицер ва сержант ходимлар учун (диссертациянинг 4, 4в-иловаларида келтирилган).	Табеллар тўлдириш ходимлар учун (421 - сон шакл, 4-илова).										
	Тарқатма қайдномалар 2 та: Республика бюджети; махсус жамғарма.	Тарқатма қайдномалар 1 та: Республика бюджети.										
	Ҳисоб-китоблар юритишда 3 хонали сётлар режасидан қўлланилади, субсётлардан кўпроқ фойдаланилади (176/1, 179/1,179/2).	Ҳисоб-китоблар юритишда 3 хонали сётлар режасидан қўлланилади.										
5.	Иш ҳақидан ушланмалар											
	<table border="1"> <tr> <td>Даромад солиғи, Динамо жамғармасига, Пластик карточкага</td> <td>Республика бюджети ва махсус жамғармалар ҳисобидан</td> <td rowspan="4">Даромад солиғи, ЖБПХР ажратмалар, Касаба уюшмасига, Алимент, Аниқланган камомадлар</td> <td rowspan="4">Республика бюджети</td> </tr> <tr> <td>Касаба уюшмасига</td> <td>Республика бюджети</td> </tr> <tr> <td>Алимент</td> <td>Республика бюджети ва махсус жамғарма ҳисобидан</td> </tr> <tr> <td>Аниқланган камомадлар</td> <td>Республика бюджети ва махсус жамғармалар ҳисобидан</td> </tr> </table>	Даромад солиғи, Динамо жамғармасига, Пластик карточкага	Республика бюджети ва махсус жамғармалар ҳисобидан	Даромад солиғи, ЖБПХР ажратмалар, Касаба уюшмасига, Алимент, Аниқланган камомадлар	Республика бюджети	Касаба уюшмасига	Республика бюджети	Алимент	Республика бюджети ва махсус жамғарма ҳисобидан	Аниқланган камомадлар	Республика бюджети ва махсус жамғармалар ҳисобидан	
Даромад солиғи, Динамо жамғармасига, Пластик карточкага	Республика бюджети ва махсус жамғармалар ҳисобидан	Даромад солиғи, ЖБПХР ажратмалар, Касаба уюшмасига, Алимент, Аниқланган камомадлар	Республика бюджети									
Касаба уюшмасига	Республика бюджети											
Алимент	Республика бюджети ва махсус жамғарма ҳисобидан											
Аниқланган камомадлар	Республика бюджети ва махсус жамғармалар ҳисобидан											
6.	Ҳисобот шакллари	Ҳисобот шакллари										
	Харажатлар сметасининг ижроси ҳақидаги ҳисобот маълумотлари 2-шакл (10-илова махфий), ходимларнинг штат бирликлари ва пул таъминоти бўйича 4-шакл (махфий).	Харажатлар сметасининг ижроси ҳақидаги ҳисобот маълумотлари 2-шакл очик.										

¹² Амалиёт таҳлиллари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Юқоридаги маълумотлар асосида бизнинг фикримизча, божхона хизмати ходимларига қўшимча ҳақларни тўғри белгилаш ва тўлашда уларнинг лавозим маошларига нисбатан давлат бюджети, махсус жамғарма ва бошқа манбаларга мувофиқлашган ҳолда коллегиял орган томонидан тасдиқланган тақдимномалар асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Диссертациянинг «**Божхона хизмати ходимлари меҳнати ва унга ҳақ тўлаш ҳисобининг амалдаги ҳолати**» деб номланган иккинчи бобида божхона хизмати ходимлари меҳнатини ҳисобга олиш ва унга ҳақ тўлаш ҳисобини ҳужжатларда акс эттириш ҳамда расмийлаштириш тартиби ёритилган. Божхона амалиётида ходимлар меҳнати ва унга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоботлар тузишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланиш асослари келтирилган. Ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашда қўшимча ва устама ҳақлар таснифланган, уларни белгилашда баҳолаш мезонлари асосида амалга ошириш ва назоратини такомиллаштириш бўйича норматив-ҳуқуқий асослар ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган. Божхона ходимлари хизмат фаолияти самарадорлигини аниқлашда ривожланган давлатлар тажрибалари «Strengths –кучли томонлар» асосида ўрганилган ва уларнинг ижобий томонларини амалиётда қўллаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Божхона хизмати ходимлар штатлар жадвали бўйича лавозим ва унвон маошлари махфий буйруқлар асосида белгиланган. Шу боис, бухгалтерия ҳисобида улар меҳнатига ҳақ тўлашни ҳисоблаш тартиби махфий ҳужжатлар билан ишлашга руҳсат этилган офицер ходимлар томонидан лавозим йўриқномасида юклатилган вазифалардан келиб чиқиб, меҳнатга ҳақ тўлаш билан боғлиқ барча жараёнлар «Тетрасофт» автоматлаштирилган ахборот дастури орқали амалга оширилади. Тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда, ушбу дастурни ишлаш алгоритми татбиқ этилган (4-расм).



4-расм. «Тетрасофт» дастурининг ишлаш алгоритми¹³

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар сифатида божхона хизмати ходимлари зарур бўлган ҳолларда, ходимлар кучайтирилган ёки суткалик режимда хизматни ўташга жалб этилиши мумкин. Божхона органларининг навбатчилик қисмлари суткалик нарядининг хизмати йигирма тўрт соатга

¹³ Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

этиб хизматни ўташ белгиланган¹⁴. Фикримизча, божхона хизмати ходимлари меҳнат меъёрларини тўғри ва аниқ ҳисобини юритиш учун табелларни тўлдиришда «Ф» ҳақиқатда ишланган кунлар, ҳақ тўланмайдиган қисқа таътиллари учун «ЎХТ» ҳамда дам олиш ва байрам кунлари учун «В»шартли белгилар билан табелларни тўлдириш ва электрон ҳужжат алмашинувини жорий этиш зарур. Бу борада амалий асосланган таклифлар ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди. Натижада бухгалтерия ҳисобида ходимлар меҳнат меъёрларини тўғри юритилиши таъминланди, ортиқча вақт сарфи, иш ҳажми ва моддий ҳаражатларни қисқартиришга эришилди.

Тадқиқотда божхона хизмати ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш юзасидан 70 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўрганилган ва қисқача мазмун ва моҳияти ёритиб берилган. Натижада уларнинг божхона амалиётида қўллаш мақсадида тизимлаштирилди, бу эса ўз навбатида фойдаланувчиларни ишончли маълумотлар билан таъминлаш имкониятини яратди.

Илмий изланишлар борасида, тизимда ташқи иқтисодий фаолият божхона постлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг 33 та мезонлари шунингдек, Божхона институти профессор ўқитувчиларининг хизмат фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг 100 баллик кўрсаткичи асосида 53 та баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди. Натижада божхона институти профессор-ўқитувчиларига автоматлаштирилган тарзда аниқланган коэффицентлар асосида берилган тақдимномалар бўйича мукофот пулларини инсон факторисиз белгилаш асослаб берилди ва амалиётга жорий этилишида республика бюджети маблағларидан 2,4 фоизга ва махсус жамғарма маблағларидан 3,7 фоизга самарали фойдаланишга эришилди.

Тадқиқот натижасида тизимда илмий, илмий-педагогик фаолият билан шуғулланувчи илмий даражага эга ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларига ҳам қўшимча ҳақ тўлаш белгиланиши тўғрисидаги таклифи Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан инобатга олинган ва ушбу таклиф Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорида ўз аксини топган.

Бухгалтерия ҳисобида божхона хизмати ходимларига бир маротабалик ва қўшимча ҳақларни тўғри белгилаш ва ўз вақтида ҳисобга олиш ҳамда унинг назоратини ташкил қилиш зарурияти мавжуд бўлиб, тизимда ички меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқишни тақазо этади. Шу боис, тадқиқотчи томонидан Давлат божхона кўмитасининг Божхона институти илмий, илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи илмий даражага эга ходимларига қўшимча ҳақ белгилаш бўйича Институтнинг коллегиял органи ишини ташкил этиш бўйича тартиб ишлаб чиқилган ва амалиётга татбиқ этилган. Натижада бухгалтерия ҳисобида ходимларга қўшимча ҳақ тўлашнинг ҳуқуқий асоси яратилган. Божхона институтида профессор-ўқитувчиларнинг ижтимоий қўллаб қувватланишига ҳамда илмий салоҳият даражаси 6 фоизга ортишига эришилган.

Божхона тизимида профессионал кадрлар тайёрлашда институт ўқув жараёнига илмий-педагогик кадрлар ва кўп йиллик амалий тажрибага эга

¹⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органларининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3665-сон Қарори. 12 апрель 2018 йил. <https://lex.uz/docs/3680599>.

бўлган божхона ходимлари ва мутахассисларни ўқув жараёнига жалб этиш ва уларга ҳақ тўлашнинг ҳуқуқий асослари яратиш зарурияти мавжуд.

Илмий изланишлар натижасида Божхона институти ўқув жараёнига жалб қилинадиган илмий-педагогик кадрлар ва тажрибали амалиётчи мутахассислар меҳнатига соатбай ҳақ тўлаш бўйича Низом ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган. Натижада бухгалтерия ҳисобида ушбу ходимларга соатбай ҳақ тўлашнинг ҳуқуқий асоси яратилди ва таълим сифатини оширилишига эришилган.

Диссертацияда уларнинг меҳнатига тўланадиган қўшимча ва устама ҳақлар иш ҳақининг турлари молиялаштириш манбалари бўйича амалиётдаги тизимли таҳлили таснифланган (4-жадвал). Қуйида келтирилган маълумотларга кўра, божхона хизмати ходимлари меҳнат ҳақи таркибида қўшимча ва устама ҳақлар салмоқли ўринга эга 45,6 фоизини ташкил этади.


4-жадвал

Божхона органлари ходимлари меҳнатига қўшимча ва устама ҳақлар таснифи¹⁵

Тр	Қўшимча ва устама ҳақлар турлари	Молиялаштириш манбалари
Қўшимча ва устама ҳақ турлари:		
I. Устама ҳақлар		
1.	Ходимнинг узлуксиз хизмат йиллари учун устама ҳақ	Республика бюджети ва махсус жамғарма маблағлари
2.	Ходимнинг малака тоифаси учун устама ҳақ	Махсус жамғарма маблағлари
3.	Чет тили билимлари учун устама ҳақ	Махсус жамғарма маблағлари
4.	Юқори малакали ҳамда ташаббускор ходимлар учун ҳар ойлик устама ҳақ	Махсус жамғарма маблағлари
5.	Ахборот-коммуникация технологиялари гуруҳлари ходимларига устама ҳақ	Махсус жамғарма маблағлари
6.	Божхона постлари тоифаси учун устама ҳақ	Республика бюджети ва махсус жамғарма маблағлари
7.	Кинологлар учун устама ҳақ	Республика бюджети ва махсус жамғарма маблағлари
8.	Илмий даражаси учун устама ҳақ	Республика бюджети маблағлари
9.	Тошкент ислом институтини битирганлик учун устама ҳақ (Ўзбекистон халқаро ислом академияси)	Республика бюджети маблағлари
10.	Нокулай иқлим шароити учун район коэффициенти	Республика бюджети маблағлари
11.	Шахсий устама ҳақ (МРЖ ҳисобидан)	Республика бюджети маблағлари
II. Мукофотлар		
1.	«Мустақиллик» ва «Наврўз» умумхалқ байрамлари муносабатлари билан	Республика бюджети маблағлари
2.	Чорак ва йил якунлари натижаларига кўра	Махсус жамғарма маблағлари
3.	Бир йўла рағбатлантириш	Махсус жамғарма маблағлари
4.	Фахрий ёрлик билан тақдирлаш пул мукофоти	Махсус жамғарма маблағлари
5.	I-даражали «Давлат божхона хизмати аълочилиси» кўкрак нишони	Махсус жамғарма маблағлари
III. Компенсация тарзидаги ҳақлар		
1.	Озиқ-овқат паёғи учун компенсация пули	Республика бюджети маблағлари
2.	Уй-жой ижараси учун пул компенсация	Республика бюджети маблағлари
3.	Бир маротабалик товон пули	Республика бюджети маблағлари
4.	Бир йўла нафақа пули	Республика бюджети маблағлари
5.	Таътил пули	Республика бюджети маблағлари
IV. Ижтимоий ёрдам тарзидаги ҳақлар		
1.	Божхона хизмати органларининг хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида тан жароҳати олган ходимларига, шунингдек, халок бўлган ходимлари оилаларига бир марталик нафақа	Махсус жамғарма маблағлари
2.	Суғурта ходисаси учун тўловлар	Ўзбекистон Республикаси суғурта компанияси маблағлари ҳисобидан

¹⁵ Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Илмий изланишлар борасида тадқиқот объекти бўлган Божхона институти ходимларининг 2019 йил мобайнида иш ҳақи фондининг таркиби бўйича қўшимча ва устама ҳақларнинг республика бюджети ва махсус жамғарма маблағлари манбалари ҳисоби бўйича ҳақиқий харажатлар таҳлил қилинган (5-расм).



5-расм. Божхона институти ходимларига Республика бюджети ва махсус жамғарма маблағлари ҳисобидан қўшимча ва устама ҳақлар учун ҳақиқий харажатлар таркиби ¹⁶

Диссертациянинг «Божхона хизмати ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари ҳисоби, таҳлили ва ички назоратини такомиллаштириш» деб номланган учинчи бобида божхона хизмати ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари танланган тадқиқот объекти бўйича шартли мисоллар орқали ёритилган. Иш ҳақи фонди харажатлари таҳлил қилинган ва унга таъсир этувчи омиллар ўрганилган. Божхона ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ҳисобининг ички назоратини ташкил этишнинг зарурати SWOT-таҳлил асосида ўрганилган ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари очиб берилган.

Таъкидлаш жоизки, қонунчиликда божхона хизмати ходимларининг лавозим маошини аниқлашда тариф коэффицентлари 1,7 карра миқдорда, уларнинг молиялаштириш манбалари бўйича республика бюджети ҳисобидан 1,0 ва махсус жамғарма маблағлари ҳисобидан эса, 0,7 тариф коэффицент асосида белгиланди. Шунингдек, божхона хизмати

¹⁶ ДБҚнинг Божхона институти молиявий ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

ходимларига алоҳида меҳнат шaroитлари учун лавозим маошларига нисбатан устамалар 50 ва 70 фоиз миқдорида махсус жамғарма маблағлари ҳисобидан белгиланди.

Бироқ, божхона қонунчилигига асосан махсус жамғарма маблағлари манбаси божхона йиғимлари тушумининг 50 фоиз миқдордаги ажратмалар ҳисобидан ташкил топади. Бу маблағлар бевосита ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларининг экспорт ва импорт операцияларига боғлиқ бўлганлиги учун тизимда ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашда тақчиллик муаммоларини келтириб чиқармоқда. Бизнинг фикримизча, махсус жамғарма маблағларига тушумни кўпайтиришнинг қўшимча резервларини топиш ва амалиётга жорий этишни тақозо этади.

Диссертация ишида божхона хизмати ходимлари меҳнати ва уларга ҳақ тўлаш билан боғлиқ жараёнлар танлаб олинган Божхона институти, Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ва Миллий кинология маркази тадқиқот объекти орқали таҳлил қилинган ва фарқли томонлари очиб берилган (5-жадвал).

5-жадвал


Божхона институти, Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ва миллий кинология маркази ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ҳисобининг солиштирма жадвали¹⁷

Т/р	Божхона институти	Тошкент шаҳар божхона бошқармаси	Миллий кинология маркази
1.	Божхона институти офицер ва сержантлар таркиби бўйича иш ҳақи ҳисоблаш	Тошкент шаҳар божхона бошқармаси офицер ва сержантлар таркиби бўйича иш ҳақи ҳисоблаш	Миллий кинология маркази офицер ва сержантлар таркиби бўйича иш ҳақи ҳисоблаш
